# Qishloq hayoti

2014 йил Соғлом бола йили

Қишлоқ ҳаёти

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2014-YIL 28-YANVAR, SESHANBA, 12 (8249)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




**“Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида ўтган йилларда умумий қиймати 100 миллион доллардан зиёд бўлган 19 та инвестиция лойиҳаси бўйича ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилди. Навоий халқаро аэропортига бирин-кетин қўнаётган ҳаво кемалари вилоятни дунёнинг йирик шаҳарлари билан боғламоқда.**

2



**Мамлакатимизда асал етиштириш ҳажми йил сайин кўпайиб, аҳолининг унга бўлган эҳтиёжи тобора ортиб бормоқда. Бу эса одамлар турмуш шароитининг янада яхшиланиб бораётганидан далолат беради. Шунингдек, юртимизда ушбу тармоқни ривожлантиришга жуда катта эътибор қаратилаётганлиги туфайли асаларичилик билан шуғулланувчи хўжаликлар сони ҳам кўпаймоқда.**

3



**Алишер Навоий замонлар оша инсоният йўлини маърифат нури билан ёритиб келаётган табаррук сиймолардан. Мана, орадан беш аср ўтган бўлса-да, ул зоти шариф ҳамон олам аҳлига ўз асарлари орқали мурожаат этиб, одамийликни бошга тож қилиб кийиш зарурлигини таъкидлайди. Чунки ҳазрат назарида одамийлик юксак маънавий фазилатдир, у йўқолган ерда ҳаётнинг тугаши муқаррар.**

4

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

## Куннинг муҳим воқеалари

► Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг кенгайтирилган раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда хўжалик судларининг 2013 йилдаги фаолияти якунлари муҳокама қилиниб, галдаги вазифалар белгилаб олинди. Президентимиз Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларга асосий эътибор қаратилди.

► **“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида ҳаракатнинг туман ва шаҳар кенгашларининг навбатдаги ҳисобот-сайлов конференциялари якунлари, шунингдек, ҳудудий кенгашларнинг ҳисобот-сайлов конференцияларига тайёргарлик кўришга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда 2014 йилнинг февраль ойида ўн тўртта ҳудудий кенгашда ҳисобот-сайлов конференциялари ўтказилиши таъкидланди.**

► Жорий йилнинг 22-26 январь кунлари Мадрид шаҳрида бўлиб ўтган “FITUR – 2014” халқаро сайёҳлик кўргазмасида мамлакатимизнинг туризм салоҳияти намойиш этилди. Кўргазмада Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз ва Хива каби қадимий шаҳарларимизнинг диққатга сазовор жойлари, тарихий обида ва меъморий ёдгорликлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган ранг-баранг альбомлар, буклет ва брошюралар тадбир иштирокчилари эътиборига ҳавола этилди.

Жиззах Вилояти



# ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ УЧУН ЯНГИ УЙЛАР

**Мамлакатимизда Қуролли Кучларимизни янада такомиллаштириш ва замонавийлаштириш, ҳарбий округ ва бўлинмаларнинг жанговар ҳолатини янада яхшилаш ҳамда тезкорлигини ошириш, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий муҳофазасини мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда.**

Бахмал чегара пости ҳарбийлари учун янгидан барпо этилган қўшқаватли турар-жой биноси ҳам ана шу ислоҳотларнинг самараси бўлди.

Янги уйларни эгаларига топшириш улкан тантанага айланиб кетди. Унда ҳудуддаги ҳарбий қисм зобит ва аскарлари, иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фахрийлари, туман фаоллари, ёшлар ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди. Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида олиб борилаётган туб ислоҳотлар, хусусан, Миллий армиямизни замонавий қурол-аслаҳалар билан таъминлаш, аскар ва зобитларнинг жисмоний ва интеллектуал салоҳиятини ошириш ҳамда ҳарбий хизматчиларга яратилаётган шароитлар хусусида тўхталишди. Тадбир сўнгида 16 нафар ҳарбий хизматчилар оилаларига уч ва тўрт хонали квартиралар калити ва эсдалик совғалар топширилди.

– Шинам ва қулай, барча шароитларга эга, маиший техника воситалари билан жиҳозланган кўркам уй соҳибига айландик, – дейди сержант Рифат Нурматов. – Бундай ғамхўрликдан, нафақат мен, бутун оила-аъзоларимиз шундай мамнунки, буни сўз билан ифодалаш мушкул. Бу каби эътибор ва ғамхўрлик Қуролли Кучларимиз мустаҳкамлиги ва жанговарлигини янада оширишга омил бўлади. Шундай экан биз ҳарбийлар халқимиз ишончини доимо оқлаймиз. Ватанимиз сарҳадларини кўз қорачиғидек, лозим бўлса, жонимизни тикиб асраймиз.

Таъкидлаш жоизки, 2013 йилда вилоятда худди шундай тўртта иншоот фойдаланишга топширилиб, ҳарбийлар оилалари замонавий уйларга эга бўлишди. Жумладан, яқинда айнан шу ҳудудда Бахмал чегара пости ётоқхонаси барпо этилганди. Бу ётоқхона хоналари икки-уч аскар яшаши учун мўлжалланган бўлиб, барча қулайликларга эгадир. Яқин келажакда бу ҳудудда зобит ва аскарлар учун намунавий лойиҳалар асосида ҳарбий шаҳарча барпо этиш ҳам режалаштирилган.

**Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

Навоий Вилояти

▼ АНЖУМАН

# СОЛИҚ ТИЗИМИ ИСЛОҲОТЛАРИ

**Навоий шаҳридаги «Фарҳод» маданият саройида солиқ ва бюджет сиёсатининг 2014 йилги асосий йўналишларидан келиб чиқиб, солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мазмун-моҳиятини тадбиркорлик субъектлари ҳамда кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида кўргазмали семинар ташкил этилди.**

Унда Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси, вилоят адлия, молия, солиқ, божхона, статистика, иқтисодиёт бошқармалари, Савдо-саноат палатаси вилоят бўлими масъул ходимлари ва тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этдилар.

Таъкидлаш жоизки, Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда иқтисодиётнинг изчил эркинлаштирилаётганлиги, йилдан-йилга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг солиқ имтиёзлари берилаётгани юртимиз иқтисодиётининг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда муҳим омил бўлаётир.

Хусусан, Президентимизнинг 2013 йил 25 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги Қарори солиқ тўловчиларга турли имтиёз ва преференциялар белгилагани билан аҳамиятлидир.

Тадбир давомида иштирокчиларга Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрда имзоланган “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2014 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни мазмун-моҳияти ҳақида Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси ҳамда вилоят давлат солиқ бошқармаси масъул ходимлари томонидан атрофлича тушунчалар берилди.

**Абдумутал НОРБОЕВ**




Андижон Вилояти

# АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

*Булоқбоши туманидаги телекоммуникация боғламаси биносида “Ягона ойна” савдо офисининг очилиш маросими бўлиб ўтди.*

– Компаниямиз 2010 йилдаёқ ISO 9001:2008 халқаро стандарт талабларига мувофиқлик сертификатини қўлга киртган, – дейди “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси Андижон филиали тижорат директори Сардорбек Муҳамеджанов. – Бизда хизмат турлари жуда кенг ва ранг-баранг бўлиб, бугунги кунга келиб “Ўзбектелеком” АК Андижон филиали томонидан жами 9 та савдо офиси ишга туширилди. Эндиликда вилоятнинг барча туман шаҳарларида аҳолига компания томонидан бир жойнинг ўзида қайд этилган мутлақ телефон алоқасидан тортиб, IPTV интернет хизматлари, CDMA-450 стандартидаги стационар ва мобиль алоқасига оид барча хизмат турларини кўрсатиш имконияти яратилди.

**Отабек УМАРОВ**

Бухоро Вилояти

# ҚУМ НАСОСЛАРИ ҚУЛАЙЛИК ЯРАТАДИ

*Когон туманидаги “Гидротехмонтаж” Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган қум насослари соҳада муҳим аҳамият касб этишини мутахассислар алоҳида эътироф этишмоқда.*



— Мамлакатимизда ягона ҳисобланган корхонамизда ишлаб чиқарилаётган бу турдаги насослар ёрдамида каналлар ўзанидаги лойқа чўкиндилар тозаланади, — дейди қўшма корхона директорининг ўринбосари Отажон Янгиев. — Маълумки, Амударё сувининг таркибида қум ва лойқа чиқиндилари миқдори жуда юқори. Улар канал ўзанларида тўпланиб, иншоотларнинг сув ўтказиш қобилиятини камайтиради. Суғоришда Амударё сувидан фойдаланадиган ҳудудлар учун мазкур насослар жуда қулайдир.

Айни кунларда корхона томонидан худди шундай қум насосларидан 4 таси тайёрланиб, Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари сув тизими ташкилотларига етказиб берилди. Насослар ёрдамида соатига 170 метр куб лойқа чўкиндиларини сув иншоотлари ўзанидан қирғоқ бўйига чиқариш имконияти мавжуд.

Қум насослари учун зарур бўладиган асосий эҳтиёт қисмларни ҳам келажакда корхонанинг ўзида тайёрлаш режалаштирилмоқда.

**Ҳамроз АЛИ**

# ИШОНЧ ВА ЭЪТИБОР САМАРАСИ

**Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида, мамлакатимиздаги деярли барча тижорат банклари етакчи халқаро рейтинг агентликлари томонидан бериладиган “барқарор” рейтинг даражасини олишга эришганини мамнуният билан таъкидладилар.**

Дарҳақиқат, бугунги кунда мамлакатимиз банк тизими қатъий халқаро талабларга жавоб берадиган энг барқарор тизимлардан бири сифатида фаолият кўрсатмоқда. Ҳамон ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб турган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида ҳам мамлакатимиз молия-банк тизими ўзининг барқарор ва ишончли эканлигини намоён этмоқда. Аҳолининг банкларга ишончи уларнинг фаолияти янада такомиллашишига, иқтисодиёт мустаҳкамланишга хизмат қилмоқда. Биргина аҳоли омонатлари билан боғлиқ муносабатларни олиб кўрайлик.

Президентимизнинг 2008 йилда “Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда “Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонлари қабул қилинди. Мазкур дастуриламаллар натижасида тижорат банкларининг аҳоли омонатларини жалб қилиш борасидаги фаолияти янада жадаллашди. Кўплаб омонат турлари жорий этилди. Фармонларга мувофиқ, омонат ҳисобварақларига қўйиладиган маблағлар барча турдаги солиқлардан озод этилган, ушбу маблағларни омонатчилар чекловларсиз тасарруф этиши, миқдоридан қатъи назар, фуқароларнинг тижоат банклари депозит ҳисобварақларидаги омонатларига тўлиқ ҳажмда маблағлар тўланиши кафолатланиши аҳолининг ишончини янада оширди.

Буни далиллар янада аниқроқ ифода этади. Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган тижорат банклари миллий ва чет эл валютасида чекланмаган миқдорда ва муддатларда 250 дан ортиқ турдаги омонатларни аҳолига таклиф этмоқда.

Банкларнинг бу жараёнда фаоллашувида эса Президентимизнинг 2008 йил 31 октябрдаги “Аҳолининг омонатларини жалб қилиш бўйича Республика тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисида”ги Қарори муҳим аҳамият касб этаётир.

Қарорга кўра, аҳолининг бўш пул маблағларини банклардаги омонатларга жалб қилиш борасида тижорат банкларини рағбатлантириш, банкларнинг инвестицион фаолиятини кенгайтириш, уларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш, энг муҳими, аҳолига кўрсатилаётган банк хизмати сифатини яхшилаш мақсадида ҳар йили тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиб келинмоқда.

Танловнинг бу галгиси ҳам шу мақсадларни кўзлади. Танловда 28 та тижорат банки, уларнинг 837 та филиаллари, 4196 та минибанк ва махсус кассалар иштирок этди. Ўзбекистон Банклари ассоциациясида танлов натижаларига кўра, 8 та асосий ва 11 та қўшимча номинациялар бўйича ғолибларни тақдирлаш ва совринларни топшириш маросими бўлиб ўтди.

Ғолибларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.Муллажонов, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси А.Алтиев, Ўзбекистон Банклари ассоциацияси раиси С.Абдуллаев ва бошқалар таъкидлашганидек, иқтисодиёт тараққиёти, аҳоли фаровонлигини таъминлашда банкларнинг фаоллашувида молия муассасаларига ишончнинг кучайиши муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Рағбат эса янги марраларга ундайди. Мазкур тадбир ҳам шундай мақсадни кўзлагани билан аҳамиятлидир.

**Ҳасан АБДУҒАНИЕВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

Сурхондарё Вилояти

# ЁШЛАР ИШЛИ БЎЛДИ

*Термиз шаҳрида замонавий маросимлар уйи фойдаланишга топширилди.*

Уни бунёд этишда “Ҳамкорбанк”нинг Термиз филиалидан ажратилган сармоя муҳим аҳамият касб этди.

– Биз тадбиркорларга яратилаётган имкониятлардан ниҳоятда миннатдормиз, – дейди тадбиркор Абдунаби Холтўраев. – Улардан унумли фойдаланиб бугун кўплаб ишбилармонлар фаолиятини ривожлантирмоқда, элу юрт тараққиётига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

“O‘zbegim” деб номланган ушбу мажмуани бунёд этишда пойтахтлик дизайнер Каримулло Азизов, уста Юсуф Ғойипов, “Бойсун тезкор бригадаси” МЧЖ қурувчилари Жўрабек Раҳматов, Беҳзод Маллаевларнинг ҳиссаси катта бўлди. Энг муҳими, мазкур замонавий мажмуада 35 та янги иш ўрни яратилди. Унда касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлар ўз фаолиятини бошлади.

**Чори ЖУМАҚУЛОВ**

Навоий Вилояти

# ИНВЕСТИЦИЯ ЖОЗИБАСИ

## “НАВОИЙ” ЭРКИН ИНДУСТРИАЛ-ИҚТИСОДИЙ ЗОНАСИДА ЯРАТИЛГАН ҚУЛАЙ ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТ ХОРИЖЛИК ИНВЕСТОРЛАР ЭЪТИБОРИНИ ТОРТМОҚДА

**Президентимизнинг 2008 йил 2 декабрдаги Фармони билан ташкил этилган “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида ўтган йилларда умумий қиймати 100 миллион доллардан зиёд бўлган 19 та инвестиция лойиҳаси бўйича ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилди. Навоий халқаро аэропортига бирин-кетин қўнаётган ҳаво кемалари вилоятни дунёнинг йирик шаҳарлари билан боғламоқда. Мана беш йилдирки, фаолият кўлами тобора кенгайиб бораётган ушбу ҳудудда кўплаб корхоналар қурилиб, фойдаланишга топширилди.**



Уларда жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган 70 турдан ортиқ, жумладан, юксак технологиялар асосида модем ва телевизорлар учун приставкалар, электр энергияни электрон ҳисоблагичлар, юқори кучланишга чидамли кабеллар, иссиқлик ва сув иситиш қозонлари, мобиль ва стационар телефон аппаратлари, тайёр дори воситалари, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. 2013 йилда махсус зонадаги корхоналар томонидан қиймати 100 миллиард сўмдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди ва бу борадаги ўсиш суръати 2012 йилга нисбатан 25,8 фоизни ташкил этди. Ўтган йили, мустақиллигимизнинг 22 йиллиги байрами арафасида мазкур ҳудудда 500 гектардан ортиқроқ майдонни эгаллаган “HAYAT POWER CABLE Systems” деб номланган қўшма корхона иш бошлади.

Ўзбекистон-Хитой давлатлари ҳамкорлигида ташкил этилган корхона 300 кВт.гача кучланишга чидамли кабель толаси ишлаб чиқаради. Ўрнатилган ускуна Европанинг етакчи корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган бўлиб, дунё бозорида ўз брендига эгадир. Корхона Марказий Осиёда энг йирик ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, у мамлакатимизда биринчилардан бўлиб ишга туширилгани билан ҳам аҳамиятлидир. Ҳозирда бу ерда мис ва алюминийдан 200 хилдан ортиқ турли диаметрдаги кабель маҳсулотлари тайёрлана бошланди. Маҳсулотга ички ва ташқи бозорда эҳтиёж катталиги баробарида тўлиқ маҳаллий хомашёдан тайёрланади.

Корхонада ишнинг ўзига хослиги шундаки, хомашё тайёр маҳсулотга айлангунча бўлган барча техник жараёнлар бошқарув пульти орқали амалга оширилади. Бу эса ишнинг тез ва сифатли бажарилишини таъминлаб, ишчиларга бир қатор қулайликлар яратади. Янги корхона ишга туширилиши натижасида 150 нафар киши иш билан таъминланди.

– Мен коллежни битириб, янги очилган кабель заводига ишга кирдим, – дейди ишчилардан бири К.Райимов. – Янги технологиялар асосида замонавий дастгоҳда жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб берадиган кабеллар ишлаб чиқаряпмиз. Ҳозир мен ишлаётган дастгоҳ 1 дақиқада 50 метр кабель ишлаб чиқаради. Ишга келиб-кетиш учун транспорт қатнови йўлга қўйилган. Биз ёшларга шундай шароитлар яратиб берилганидан хурсандмиз.

Янги корхона тўлиқ қувват билан ишлай бошлагач, бу ерда яна 100 га яқин янги иш ўринлари яратилади. Бу эса ишнинг йирик ҳажмда олиб борилиши билан бирга, тайёр маҳсулотларни чет элга экспорт қилиш ҳажмини ҳам оширади.

Эркин индустриал-иқтисодий зонада ўтган йили чет эллик инвесторлар ҳамкорлигида автомобиллар учун юқори босимли газ баллонлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган “KO-UNG CYLINDER” Ўзбекистон-Корея қўшма корхонаси ҳам ишга тушди.

– Жанубий Корея ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар тобора мустаҳкамланиб бормоқда, – дейди корхонанинг очилиш маросимида ушбу қўшма корхона бош директори Жанг Жай Гук. – Янги очилган қўшма корхона алоқаларни янада мустаҳкамловчи кўприк вазифасини ўтайди.

Мамлакатимизда автомобилсозлик саноатининг жадал тараққий этиши автомобиллар учун газ баллонлари ишлаб чиқарувчи саноат тармоқларининг ташкил этилишига асос бўляпти. Янги “KO-UNG CYLINDER” қўшма корхонасида 80-90 фоиз иш компьютерлашган тизимда малакали муҳандислар томонидан амалга оширилади. Марказий Осиёда ягона ҳисобланаётган, энг сўнгги русумдаги ускуналар билан жиҳозланган мазкур заводда автомобиллар учун 55 литрдан 154 литргача бўлган юқори босимли метан газ баллонлари ишлаб чиқарилади.

Заводда 100 нафар киши бевосита иш билан таъминланди. Корхонанинг умумий майдони 3 гектарни ташкил этиб, энг мукаммал замонавий техника ва қурилмалар ўрнатилган. Асосий технологик ишлаб чиқарувчи қурилмалар Жанубий Кореянинг “NK COMPLTKS. LTD” компаниясига тегишли бўлиб, йилига 120 минг дона газ баллон ишлаб чиқариш қувватига эга. Ускуналар асосан, Туркия, Германия ва Жанубий Корея давлатларидан келтирилган. Ушбу лойиҳа бўйича 13 миллион 600 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ўзлаштирилди.

Илгари республикамизга юқори босимли метан газ баллонлари Хитой ва Жанубий Корея давлатларидан келтирилар эди. Янги корхона иш бошлаганлиги муносабати билан эндиликда бундай маҳсулотлар экспортга ҳам чиқарилади. Келгусида бу ерда нафақат метан, балки пропан, бутан ва кислород газ баллонлари ҳам ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

АНЖУМАН

*Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг кенгайтирилган қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар, соҳага тегишли идора ва ташкилотлар вакиллари иштирок этди.*

# ТАШАББУСКОР ТАДБИРКОРЛАР ТАЯНЧИ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши раиси С.Турдиев, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери ўринбосари Б.Ёқубов, қуйи палатанинг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси А.Жўрабоев ва бошқалар таъкидлашганидек, Ўзбекистонда стратегик тараққиётнинг энг муҳим устувор йўналиши сифатида хусусий мулкнинг дахлсизлигини мустаҳкамлаш белгилангани бугун эришаётган тараққиётимизнинг негизи бўлмоқда. Айни шу жиҳат жамиятнинг энг муҳим ва ҳал қилувчи қатлами, ижтимоий-сиёсий барқарорлик кафолати, мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш ҳамда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлайдиган мулкдорлар синфини шакллантириш имконини берди. Характери ихчам, ҳаракатчан, бозор конъюнктурасига, истеъмолчилар талаб ва эҳтиёжига тез мослаша оладиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси иқтисодиётимизнинг асосий тараққиётини белгилаб келмоқда. Шунингдек, ушбу соҳа аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида қайд этилганидек, **кичик бизнес шаклан кичик бўлишига қарамасдан, иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришда тобора катта роль ўйнамоқда.**

Буни рақамларда янада аниқроқ кўрамиз. 2013 йилда юртимизда 26 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти иш бошлади. Соҳада фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий сони йил охирига келиб 190 мингтага етди. Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг қарийб 55,8 фоизи айни шу соҳада ишлаб чиқарилмоқда. Ваҳоланки, 2000 йилда бу кўрсаткич 31 фоиздан иборат эди.

Таъкидлаш жоизки, соҳа вакиллари сафида фермерлик ҳаракатининг ўрни ҳам ортиб бормоқда. Истиқлол йилларида қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида фермер хўжаликларининг ташкил этилиши, соҳада кучли ҳуқуқий асос яратилиши, моддий-техника базасининг мустаҳкамланиши, фермерларнинг ер майдонларини мақбуллаштириш борасидаги комплекс чора-тадбирлар фермер хўжаликлари самарадорлиги ва рентабеллиги ўсишини таъминлади.

Айни пайтда фермер хўжаликлари қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфини барпо этишда, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишда масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ижтимоий-сиёсий кучга айланмоқда. Президентимизнинг таъбири билан айтганда, **улар қишлоқларимизнинг таянч устунидир.**

Тадбиркорлар, ишбилармонлар ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон Либерал демократик партиясининг муҳим вазифаларидан биридир. Партия томонидан қишлоқ жойлардаги ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги экинларининг юқори ҳосилдорлигини таъминлаш, энергияни тежовчи технологияларни жорий этиш, ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг тизимли ишларини амалга оширишга қаратилган “Фермерлик ҳаракати – қишлоқдаги ҳақиқий мулкдорлар синфи”, “Йирик саноат сектори корхоналарининг кичик бизнес билан кооперацияси”, “Мулкдор оила” ҳамда “Тадбиркорлар ва фермерлар мулоқот форуми” каби самарали лойиҳалар йўлга қўйилди.

Тадбирда ўтган йил давомида амалга оширилган ишлар таҳлил қилинди. Депутатлик корпуси ҳамда жойлардаги партия тузилмаларининг фаолиятини давлатимиз раҳбари томонидан белгиланган вазифаларни самарали ҳал қилиш мақсадида тубдан қайта кўриб чиқиш зарурлиги қайд этилди.

Иштирокчилар томонидан эътироф этилганидек, 2014 йилда ҳам асосий мақсад ташаббускор тадбиркорларга таянч бўлишга қаратилади.

**Ҳасан АБДУҒАНИЕВ**

Қашқадарё Вилояти

**Пиллачиликда озуқа базаси мустаҳкамлиги муҳим аҳамиятга эга. Буни яхши англаган Қашқадарёлик пиллачилар тут кўчатлари экиш ишларини бошлаб юборишди. Қолаверса, ипак қурти уруғини тайёрлаш, етиштирилган ҳосилни қайта ишлаш борасида ҳам қизғин тайёргарлик ишлари бормоқда.**

# «КУМУШ ТОЛА» ТАЙЁРЛАШГА ПУХТА ТАРАДДУД

— Биз бу борада дастлабки натижаларга эришяпмиз, — дейди Қашқадарё вилояти “Пилла” ҳудудий бирлашмаси раҳбари Фахриддин Саидов. — Айни пайтда тутзорларнинг ноқонуний кесиб кетилишининг олдини олиш, тут дарахтлари зараркунандалари ва касалликларига қарши курашиш, мавжуд тут қаторлари ва тутзорларга ўз вақтида ишлов бериш, янги тут қаторлари ва тутзорлар ташкил қилиш, шунингдек, ипак қурти парваришлаш ва пилла етиштиришни яхшилаш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Фермер хўжаликлари билан шартномалар тузиш ва уларни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш қатъий назоратга олинган.

Ўтган йили “Қашқадарёпахтасаноат” ҳудудий бирлашмаси тизимидаги корхоналарда ипак қурти боқиладиган масканлар барпо этилди. Бу йил замонавий пиллахоналар сони яна ортади. Айни пайтда Китоб, Шаҳрисабз туманлари фермер хўжаликлари томонидан 10-15 қути пилла қурти боқишга мўлжалланган қуртхоналар қурилиши бошлаб юборилди. Вилоятда пиллани қайта ишлаш борасида ҳам ижобий натижаларга эришиляпти. Бунда “Радиант силк” Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасининг ишга тушгани айни муддао бўлди. 2013 йилда ушбу қўшма корхона томонидан 400 тонна қуруқ пилла қайта ишланди. Жорий йилда вилоятда етиштириладиган қуруқ пилланинг 828 тоннасини бевосита шу ернинг ўзида қайта ишлаш имконияти яратилади.

Мухтасар айтганда, пиллачилар жорий мавсумни ҳам муваффақиятли ўтказиш учун ҳозирданоқ қизғин тайёргарлик кўришмоқда.

**Ҳусан ТЕМИРОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

Сирдарё Вилояти

# ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯНИ УЙҒУНЛАШТИРИБ

**Мамлакатимизда таълим соҳасига қаратилаётган кучли эътибор, узоқни кўзлаб олиб борилаётган изчил ислоҳотлар келажагимиз ворислари – ўқувчи-ёшларни жисмонан ва маънан соғлом авлод сифатида шакллантиришда муҳим омил бўлмоқда. Бу борада Сирдарё вилояти халқ таълими бошқармасида ҳам салмоқли ишлар амалга ошириляпти.**




Вилоят миқёсида 9100 нафар малакали, жумладан 8127 нафар олий маълумотли устоз ва мураббий 114 минг 572 нафар ўғил-қизга таълим- тарбия бериб келмоқда.

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора- тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида бугунги кунда вилоятдаги умумтаълим мактабларида 488 нафар инглиз тили фани ўқитувчиси ёшларга сабоқ бермоқда. Педагог ходимлар учун дарс самарадорлигини ошириш, ёшларнинг хорижий тилни мукаммал ўзлаштиришларига эришиш борасида қўшимча манбалардан фойдаланиш имкони яратилган. Айниқса, ўқувчиларни инглиз тилида эркин сўзлашга ўргатиш ва машғулотларда ноанъанавий усулларни қўллаш хорижий тилни ўзлаштиришда кутилган натижани бераётир. Фан ўқитувчилари орасида устоз-шогирд анъанаси асосида тажрибали устозларга ёш кадрларнинг бириктирилгани ҳам аҳамиятли. Айни чоғда 21 нафар малакали инглиз тили фани ўқитувчиси 63 нафар ёш ҳамкасбига касб маҳорати ва соҳанинг ўзига хос сирларини ўргатиб келмоқда.

Гулистон туманидаги 14 -мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси Муяссар Мусаева, Мирзаобод туманидаги 1-сонли ихтисослашган мактаб-интернати инглиз тили ўқитувчиси Феруза Умарова, Гулистон шаҳридаги хорижий тилларга ихтисослашган мактаб-интернат ўқитувчилари Елена Вашеева, Дилором Шарипова каби илғор ва тажрибали мураббийларнинг ўқувчилари вилоят ва республика миқёсида ўтказилаётган фан олимпиадаларида фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда.

Вилоятда умумтаълим мактабларида таълим бераётган иқтидорли ва қобилиятли ўқитувчиларни аниқлаш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, педагоглар ўртасида ўзаро соғлом рақобатни кучайтириш мақсадида “Вилоятнинг энг фаол фан ўқитувчиси”, “Вилоятнинг энг фаол синф раҳбари” танловлари ўқув йилида икки марта мунтазам ўтказиб келинмоқда. Ўтган йилги танлов якунларига кўра, 12 нафар фан ўқитувчиси ҳамда синф раҳбари вилоят ҳокимининг ғолиблик сертификати ва пул мукофотлари билан тақдирландилар.

Ўқувчилар ўртасида доимий тарзда ўтказилиб келинаётган “Хорижий тиллар билимдони” кўрик-танлови эса иқтидорли ва тиришқоқ ўқувчи-ёшлар кўпайишига хизмат қилмоқда. Кўрик-танловнинг 2013 йил якуни бўйича 21 нафар иқтидорли, хорижий тилларни пухта ўзлаштирган ўқувчиларга стипендиялар топширилди.

– Туманимиздаги 40 та умумтаълим мактабининг 38 тасида инглиз тилини ўқитиш намунали йўлга қўйилган, – дейди Сайхунобод туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимининг мудири Акром Раҳмонов. – Бу мактабларнинг 25 таси тўлиқ компьютер жамламалари, бошқа зарур жиҳозлар билан таъминланган. Тумандаги 41-мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси Лола Бегимованинг ўқувчиси Шохрух Абдуллаев ўтган йили ўқувчилар ўртасида ўтказилган республика олимпиадасида фахрли биринчи ўринни эгаллаб, 1-даражали диплом ва Халқ таълими вазирлиги томонидан “Notebook” компьютери билан тақдирланди.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

Фарғона Вилояти

МЕЛИОРАЦИЯ

# СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ

## ҲАМ РЕСУРСНИ ТЕЖАЙДИ, ҲАМ МАБЛАҒНИ ОШИРАДИ

**Президентимиз томонидан ўтган йили қабул қилинган 2013-2017 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш борасидаги давлат дастурида кўзда тутилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида Фарғона вилоятида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.**



Ушбу дастурга асосан амалга ошириладиган тадбирлар натижасида вилоятда 30640 гектар ернинг сув таъминоти ҳамда 190275 гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланиши кутилмоқда.

2013 йилда 1722,7 километр коллектор тармоқлари, 344 дона тик зах қочириш қудуғи, 84 дона назорат қудуғи, 3 дона сув ўлчаш иншооти, 5,25 километр ёпиқ-ётиқ дренаж тармоқларини таъмирлаш ва тиклаш, 8,7 километр узунликдаги коллектор тармоқлари, 4,2 километр ёпиқ-ётиқ дренаж тармоқлари, 3 дона мелиоратив насос станцияси, 420 дона назорат қудуғи, 17 дона тик зах қочириш қудуғи, 23 дона сув ўлчаш иншоотини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди.

Шунингдек, йил давомида 6 та туманда 42 та фермер хўжалиги томонидан 307,8 гектар майдонда томчилатиб суғориш усулидан фойдаланиш йўлга қўйилди. Бундан ташқари, 14 та фермер хўжалигининг 30 гектар ғўза майдонида ғўза эгатига плёнка тўшаб суғориш усули жорий қилинди.

Қиш фасли мелиораторлар учун муҳим давр ҳисобланади. Бу паллада ариқ-зовурларни тозалаш, шўр ювиш, яхоб суви бериш каби қишки агротехник тадбирлар амалга оширилади. Бу эса, ўз навбатида, мўл ва сифатли ҳосил олиш имконини беради.

Вилоят бўйича суғориладиган ерларнинг 44 фоизи турли даражада шўрланган бўлиб, тупроқ таркибидаги туз миқдорини камайтириш учун қишки мавсумда 2646 та фермер хўжалигининг 57236 гектар майдонида шўр ювиш ишларини амалга ошириш режалаштирилган эди. Бугунги кунгача ушбу майдонларда шўр ювиш ишлари асосан тугалланди. Қиш чилласида берилган сув тупроқ таркибини яхшилаш билан бирга зарарли ҳашаротлар ва бегона ўт уруғларини йўқотишдаги аҳамияти катта.

Амалга оширилаётган мелиоратив тадбирлар самарадорлигини, ерларнинг мелиоратив ҳолатини мониторинг қилиш сифатини, маълумотлар аниқлиги ва тезкорлигини ошириш мақсадида вилоятда Географик ахборот тизими (ГАТ) яратилиб, марказий сервер билан Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси ўртасида “VPN” алоқаси боғланган. Мазкур тизим маълумотлар базасига йил давомида ерларнинг мелиоратив ҳолати мониторинги ва таҳлил қилиш натижалари киритилиб борилмоқда. Ушбу база маълумотлари асосида вилоят бўйича туманлар ҳамда сув истеъмолчилари кесимида сизот сувлари сатхи ва минерализацияси, тупроқ шўрланиш даражаси хариталари тайёрланган бўлиб, маълумотлар ҳамда зарурий тавсиялар ўз вақтида фермер хўжаликларига етказиб берилмоқда. Ушбу тизимни янада такомиллаштириш, маълумотлар аниқлиги ҳамда тезкорлигини янада ошириш учун 8 та туман мелиорация бўлими компьютер билан таъминланди. Айни пайтда мутахассислар томонидан GPS навигатор ёрдамида вилоят ҳудудидаги барча мелиоратив иншоотларнинг географик маълумотлари аниқлаб чиқилмоқда.

Вилоятда 2014 йилда бир қатор ирригация-мелиорация тадбирларини амалга ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган. Унга кўра, 1950 километр узунликдаги коллектор тармоқларини барча иншоотлари билан таъмирлаш, тиклаш, 384 дона тик зах қочириш қудуғини, 19 километр узунликдаги коллектор тармоқларини, 10 километр ёпиқ-ётиқ дренаж тармоқларини, 33 дона тик зах қочириш қудуқларини қуриш ва реконструкция қилиш, 153 дона назорат қудуқларини, 12 дона сув ўлчаш иншоотини қуриш, 2,9 километр хўжаликлараро каналларни, 3 дона гидротехник иншоотларни ҳамда қуввати 1,7 $м^3/с$ бўлган насос станциясини қуриш ва реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш режалаштирилган.

Айни пайтда бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Уларда ер ва сув ресурсларини тежайдиган самарали технологияларни амалиётга кенг татбиқ этиш борасидаги ишлар кўламининг кенгаяётгани эса тараққиёт ва аҳоли фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилади.

**Расулжон ЖЎРАЕВ,**
**Фарғона вилояти Гидрогеология-мелиоратив экспедицияси бошлиғи.**

Қашқадарё вилояти

# МЕҲНАТКАШЛИКДА БОЛАРИДАН ҚОЛИШМАЙДИ

**Мамлакатимизда асал етиштириш ҳажми йил сайин кўпайиб, аҳолининг унга бўлган эҳтиёжи тобора ортиб бормоқда. Бу эса одамлар турмуш шароитининг янада яхшиланиб бораётганидан далолат беради. Шунингдек, юртимизда ушбу тармоқни ривожлантиришга жуда катта эътибор қаратилаётганлиги туфайли асаларичилик билан шуғулланувчи хўжаликлар сони ҳам кўпаймоқда.**

Ўтган 2013 йилда бу борада Қашқадарё вилоятида ҳам бир қанча ижобий ишлар амалга оширилди.

Ҳозирда вилоятда 508 та асаларичилик хўжалиги фаолият олиб бораётган бўлиб, уларда мавжуд 37251 та асалари оиласидан ўтган йили 600 тоннадан ортиқ шифобахш асал маҳсулоти олинди. Шунингдек, тижорат банклари томонидан ушбу тармоқни ривожлантириш мақсадида бир миллиард уч юз миллион сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратилди.

— Ўтган йили 300 оила асаларини ҳар биридан 35-40 килограммдан асал олдик, – дейди Нишон туманидаги “Ражабов Абдували” фермер хўжалиги раҳбари Абдували Ражабов. – Асал қадимдан нафақат мазаси, балки камёб ва шифобахшлиги учун ҳам қадри баланд бўлган. Мен ҳам эсимни танибманки, асал етиштириш билан шуғулланаман. Аслида асал етиштиришга бўлган иштиёқ менга қондан ўтган. Чунки отам ҳам, бобом ҳам шу соҳа билан рўзғор тебратишган. 86 ёшли отамдан ҳозир ҳам соҳа сирларини ўрганаман, ўзим ҳам ўғлимга билмаганларини ўргатаман.

— Асал етиштириш – бизнинг оилавий бизнесимизга айланган, – дейди унинг ўғли Мукаммал Ражабов. – Олдинлари асални турли маҳсулотлардан бўшаган идишларга солиб сотардик. Энди харидорларнинг диди ўзгарди. Шуни инобатга олиб, етиштирган маҳсулотимизни турли ҳажмдаги тўрт хил бежирим идишларда қадоқлаб, шартнома асосида республика бўйича буюртмачи дўконларга етказиб беряпмиз.

Яккабоғлик Поён Аҳмедов ҳам йигирма беш йилдан буён асаларичилик билан шуғулланади. Дастлаб моҳир асаларичиларга шогирд тушиб, беш йил соҳанинг ўзига хос сир-синоатларини ўрганди. Кейин эса иккита оила асалари билан фаолиятини бошлади. Асал етиштиришга ихтисослашган “Аҳмедов Поён Қурбонович” фермер хўжалигини ташкил қилди. Ҳозирда келиб хўжаликдаги асалари оиласи сони икки юзга етди.



Касби туманидаги “Юрт ризқи – наслчилик” масъулияти чекланган жамияти асаларичилик хўжалигида йилига 2 тонна асал етиштирилмоқда.

**СУРАТДА:** асаларичи Баҳриддин Кенжаев.

**Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган сурат.**

Айни пайтда Поён Аҳмедов асалнинг сифатини ошириш мақсадида тинимсиз меҳнат қилмоқда.

Асалнинг афзал томони шундаки, у ҳеч қачон айнимайди. Йиллар ўтган сари ундаги озуқавий моддалар ҳам ортиб бораверади. Асосан янтоқ гулидан, тоғ исириғидан йиғилган асалнинг шифобахшлиги тиббиётда ҳам исботланган. Шу учун асаларичилар кўпроқ тоғ ва чўл ҳудудларида асалари оиласини парвариш қилишни тавсия этишади. Қолаверса, асалари оилалари ўртасидаги оралиқ масофа ҳам камида икки ярим, уч километр бўлиши керак. Қисқасини айтадиган бўлсак, асаларининг ортидан даромад оламан, бой бўламан деган одам ҳеч қачон асаларининг ўзидай меҳнат қилишига тўғри келади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, асалари биз учун нафақат хуштаъм ва ўта фойдали маҳсулот беради, балки қишлоқ хўжалиги экинларини чанглатиб, ҳосилдорликни оширишда беминнат ёрдамчи ҳамдир. Аниқроғи, бунинг натижасида ҳосилдорлик 60 фоизгача ортиши мумкин. Шунингдек, асаларилар чанглатиш воситасида инсониятни жаҳон озиқ-овқат захирасининг тўртдан бири миқдорида таъминлаб туриши ҳам исботланган. Шундан келиб чиққан ҳолда ўтган йилда вилоятда 65 та фермер хўжалиги негизида асаларичилик йўлга қўйилди. Бу, ўз навбатида, қўшимча даромад дегани ҳамдир.

— Хўжалигимизда жами 95 гектар ер бор, – дейди Косон туманидаги “Сўғдиёна” фермер хўжалиги раҳбари Акбар Абдиев. – Шундан 55 гектарида ғалла экиб, 55 центнердан, 40 гектар майдондаги ғўзадан 40 центнердан ошириб ҳосил олдик. Бироқ бугунги фермер фақатгина пахта ва ғалла етиштириш билан чекланиб қолмаслигини замоннинг ўзи тақозо этаяпти. Шундан келиб чиққан ҳолда ўтган йил бошида қўшимча тармоқ – 55 та асалари оиласини харид қилгандик. Дастлабки ҳосилни ҳам олдик. Ҳозирда имкониятларимиздан келиб чиққан ҳолда, хўжалигимиздаги асаларилар оиласи сонини кўпайтириш ниятидамиз.

Вилоятда асаларичиликни янада ривожлантириш мақсадида 2014 йилда асаларичилик билан шуғулланувчи барча тоифадаги хўжалик субъектлари сонини 527 тага, асалари оилалари сонини 38 минг 388 тага, асал ишлаб чиқаришни 649,1 тоннага етказиш кўзда тутилган.

Албатта, асал етиштиришнинг ўзи бўлмайди. Унинг заҳматини юқорида тилга олинган фидойи асаларичилар жуда яхши билишади. Асаларичиликнинг ривожи учун нафақат меҳнат, балки иштиёқ, сабр-тоқат ҳам муҳим ҳисобланади. Буни тўғри англаганлар элда обрў топиш билан бирга, эл дастурхонининг ҳам турли ноз-неъматлар билан тўкин бўлишини таъминламоқда.

**Сарвар ОЧИЛОВ**

Бухоро вилояти



# ТАДБИРЛИ ЧОРВАДОР ҚИШЛОВДАН ЧЎЧИМАЙДИ

**«Бухороқоракўл» бирлашмасига қарашли «Қоракўл» қоракўлчилик-наслчилик ширкат хўжалигида мавжуд 30 та отарда 21 минг 600 бош қўй-қўзи боқилади. Айни кунларда 84 нафар чўпон-чўлиқлар ва хўжалик мутахассислари қишловни беталафот ўтказиш мақсадида иш олиб боришмоқда.**

– Қишлов олдидан отарларда 5600 тонна дағал-хашак, 60 тонна сомон, 80 тонна шрот-шелуха, 20 тонна арпа ва 25 тонна омихта ем жамғардик, – дейди ширкат хўжалиги раиси Эшонқул Ҳайитов. – Чўпон отарлари, қўралар ҳамда сув қудуқлари қайта таъмирланди. Бундан ташқари, чўпон-чўлиқларни иссиқ кийим-бош, зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида хўжалик томонидан 15 миллион сўм маблағ сарфланди.

Бу борада хўжалик қошида тадбиркор Адиз Жумаев раҳбарлигида ташкил этилган тикувчилик цехи ниҳоятда қўл келяпти. Цехда чўпон-чўлиқлар учун 10 турдаги маҳсулот – иссиқ кийим-бош, қўлқоп, пойабзал кабилар ишлаб чиқарилади ҳамда арзон нархларда қўйчивонларга етказиб берилади.

Хўжаликнинг Абдумалик Жумаев, Ислом Олтиев, Ғофур Қорбосдиев каби тажрибали чўпонлар бошлиқ қилаётган отарларда совлиқларни қишловдан соғлом ва тетик олиб чиқиш борасидаги ишлар мақтовга арзигулик.

Сирасини айтганда, хўжалик чорвадорлари қишловни муваффақиятли ўтказиб, қўй-қўзилар сонини янада кўпайтиришни ўз олдига мақсад қилишган.

**СУРАТДА:** *ширкат хўжалиги раиси Эшонқул Ҳайитов ва бош чўпон Фахриддин Қорбосдиев.*

**Ҳамроз АЛИ олган сурат.**

○ Реклама ва эълонлар

## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖНИНГ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**I. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Фарғона вилояти Ёзёвон тумани ҳокимининг 2014 йил 24 январдаги 23-сонли алоқа хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи такроран қўйилмоқда:**

**1.** Савдо ва маиший хизмат шохобчаси (3-сонли) қуриш учун Ёзёвон тумани Ёзёвон шаҳарчаси Андижон кўчаси 1-зона ҳудудида жойлашган 1 дона танланган қурилиш ости ер майдони 150 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. **Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 78 060 сўм.**

**2.** Савдо ва маиший хизмат шохобчаси (4-сонли) қуриш учун Ёзёвон тумани Ёзёвон шаҳарчаси Андижон кўчаси 1-зона ҳудудида жойлашган 1 дона танланган қурилиш ости ер майдони 150 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. **Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 78 060 сўм.**

**3.** Савдо ва маиший хизмат шохобчаси (5-сонли) қуриш учун Ёзёвон тумани Ёзёвон шаҳарчаси Андижон кўчаси 1-зона ҳудудида жойлашган 1 дона танланган қурилиш ости ер майдони 150 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. **Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 78 060 сўм.**

**4.** Савдо дўкони қуриш учун Ёзёвон тумани Ёзёвон шаҳарчаси Андижон кўчаси 1-зона ҳудудида жойлашган 1 дона танланган қурилиш ости ер майдони 40 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. **Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 20 816 сўм.**

**5.** Тандирхона қуриш учун Ёзёвон тумани Ёзёвон шаҳарчаси Андижон кўчаси 1-зона ҳудудида жойлашган 1 дона танланган қурилиш ости ер майдони 400 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. **Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 137 760 сўм.**

**6.** Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун Ёзёвон тумани Ёзёвон шаҳарчаси Андижон кўчаси 1-зона ҳудудида жойлашган 1 дона танланган қурилиш ости ер майдони 100 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. **Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 34 440 сўм.**

**7.** Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун Ёзёвон тумани "Гулистон" ҚФЙ Сойбўйи қишлоғи 3-зона ҳудудида жойлашган 1 дона танланган қурилиш ости ер майдони 5 000 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. **Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 1 722 000 сўм.**

**8.** Увада титиш цехи қуриш учун Ёзёвон тумани "Гулистон" ҚФЙ Сойбўйи қишлоғи 3-зона ҳудудида жойлашган 1 дона танланган қурилиш ости ер майдони 1 000 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. **Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 344 400 сўм.**

**9.** Савдо ва маиший хизмат шохобчаси қуриш учун Ёзёвон тумани "Хонобод" ҚФЙ Хонобод қишлоғи 1-зона ҳудудида жойлашган 1 дона танланган қурилиш ости ер майдони 400 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. **Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 137 760 сўм.**

**10.** Савдо дўкони (№1) қуриш учун Ёзёвон тумани "Хонобод" ҚФЙ Хонобод қишлоғи 1-зона ҳудудида жойлашган 1 дона танланган қурилиш ости ер майдони 100 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. **Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 34 440 сўм.**

**11.** Савдо дўкони (№2) қуриш учун Ёзёвон тумани "Хонобод" ҚФЙ Хонобод қишлоғи 1-зона ҳудудида жойлашган 1 дона танланган қурилиш ости ер майдони 100 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. **Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 34 440 сўм.**

**12.** Маиший хизмат шохобчаси (1-сонли) қуриш учун Ёзёвон тумани "Хонобод" ҚФЙ Хонобод қишлоғи 1-зона ҳудудида жойлашган 1 дона танланган қурилиш ости ер майдони 100 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. **Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 34 440 сўм.**

**13.** Маиший хизмат шохобчаси (2-сонли) қуриш учун Ёзёвон тумани "Хонобод" ҚФЙ Хонобод қишлоғи 1-зона ҳудудида жойлашган 1 дона танланган қурилиш ости ер майдони 100 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. **Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 34 440 сўм.**

**14.** Умумий овқатланиш шохобчаси қуриш учун Ёзёвон тумани "Қатортол" ҚФЙ Қатортол қишлоғи 1-зона ҳудудида жойлашган 1 дона танланган қурилиш ости ер майдони 800 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. **Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 275 520 сўм.**

**15.** Савдо дўкони қуриш учун Ёзёвон тумани "Қатортол" ҚФЙ Қатортол қишлоғи 1-зона ҳудудида жойлашган 1 дона танланган қурилиш ости ер майдони 300 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. **Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 103 320 сўм.**

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Ёзёвон тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2014 йил 17 февраль куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорларнинг конвертлари Ёзёвон тумани ҳокимлиги биносида 2014 йил 18 февраль куни соат 13:00 да очилади, 2014 йил 18 февраль куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор ғолиб деб топилади.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "Халқ банки" Фарғона вилояти филиали амалиёт бўлимидаги: МФО 00497, СТИР 207122519, 20208000004920609011 ҳ/р га тўлашлари шарт.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

**Талабгорлар буюртманома билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:**

*- юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;*

*- жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;*

*- танлов ташкилотчисига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;*

*- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.*

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

**Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили:** Фарғона вилояти Фарғона шаҳар Б.Марғиноний кўчаси 35-уй "Биржа маркази" биноси. Тел/факс: (8-373) 244-46-39, rieltsavdo@inbox.uz, www.1kms.uz. **Лицензия** RR 0001.

**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ ВА УНИНГ ҲУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАРИНИНГ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ЧИҚАРИЛГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2011 ЙИЛ 25 МАЙДАГИ 147-СОНЛИ ҚАРОРИ АСОСИДА ЕР УЧАСТКАЛАРИГА БЎЛГАН ДОИМИЙ ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚЛАРИНИНГ 2013 ЙИЛ 26 ДЕКАБРДАН 2014 ЙИЛ 17 ЯНВАРГАЧА БЎЛГАН МУДДАТДАГИ САВДОСИ НАТИЖАЛАРИ**

**Фарғона вилояти филиалида 26.12.2013 йилда сотилган:** 1. Сўх тумани «Ҳушёр» ҚФЙ 2-зона ҳудудида жойлашган, сатҳи 800,0 кв.м., Ҳаммом ва маиший хизмат бинолари қуриш учун, бошланғич баҳоси – 296 500 сўм, сотилиш баҳоси – 350 000 сўм. **2.01.2014 йилда сотилган:** 1. Қувасой шаҳар «Пакана» ҚФЙда жойлашган қишлоқ-зона ҳудудидаги, сатҳи 10 000,0 кв.м., Автомобилларга сиқилган табиий газ қуйиш шохобчаси (АГТКШ) қуриш учун, бошланғич баҳоси – 3 600 000 сўм, сотилиш баҳоси – 10 300 000 сўм. **17.01.2014 йилда сотилган:** 1. Бувайда тумани «Янгиқўрғон» ҚФЙ Янгиқўрғон қишлоғи 1-зона ҳудудида жойлашган, сатҳи 1 100,0 кв.м., Маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси (Тикувчилик цехи) қуриш учун, бошланғич баҳоси – 665 610 сўм, сотилиш баҳоси – 700 000 сўм.

АГРОТЕХНИКА

~ Беларус 80Х ~ Беларус 82.1 ~ Беларус 1025
~ Боғ ва ферма учун тракторлар
~ Гусеницали тракторлар
~ Прессподборшик
~ Ғўзапоя ўрадиган комбайн
~ Ўт ўрадиган комбайн
~ Макка ўрадиган комбайн
~ Жўхори йиғувчи комбайн
~ Косилка КИР 1,5
~ Сомон йиғувчи мосламалар
~ Картошка терадиган комбайн
~ Картошка экадиган комбайн
~ Буғдой экадиган сеялка
~ Пахта экадиган сеялка
~ Дори сепадиган мосламалар
~ Сачратиб суғорувчи мосламалар
~ Ем майдалаб тарқатувчи техника
~ Культиваторлар
~ Плуг, айланма плуг, дискали плуг
~ Чизель, борона
~ Экскаватор погрузчик, бульдозер
~ Траншеекопатель, ямобур



(+99871) 150-58-58
150-68-68
Сайт: www.sninvest.uz
E-mail: info@sninvest.uz
SN INVEST Маҳсулот сертификатланган
Буюртма асосида

Прессподборшик машиналарида қўлланиладиган сомон, хашак боғловчи (сеновязальный) ҳамда хўжалик маҳсулотларини ўришда ишлатиладиган полипропилен шпагати пул кўчириш йўли билан сотилади.




Сифатига кафолат берамиз.
*Маҳсулот сертификатланган.*
Тел.: (+99893) 382-89-14, 550-75-79.

ООО “PARADISE DREAM” (ИНН 302241799) зарегистрированное ИРСП хокимията Мирабадского р-на г. Ташкента (№ 005720-03, 19.03.2012 г.) в соответствии с решением учредителя № 1 от 28.01.2014 г. выходит из процесса добровольной ликвидации. Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня опубликования объявления по адресу: г. Ташкент Мирабадский р-н проезд Шахрисабз д. 4.

**“UZVTROMET” МЧЖ КОРХОНА, ТАШКИЛОТ ВА МУАССАСАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

2010-2011-2012-2013 йиллар мобайнида топширилган қора металл парчалари ҳисобига ҳосил бўлган қарздорликни бартараф этиш мақсадида 2 ой ичида “UZVTROMET” МЧЖ раҳбариятига мурожаат қилишингизни сўрайди.












▼ 9 ФЕВРАЛЬ – АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

# ЮКСАК ЗАКОВАТ, СЎНМАС ДАЪВАТ

**Саноқли кунлардан сўнг мумтоз адабиётимизнинг атоқли намояндаси Алишер Навоий таваллудига 573 йил тўлади. Навоий бобомиз замонлар оша инсоният йўлини маърифат нури билан ёритиб келаётган табаррук сиймолардан. Мана, орадан беш аср ўтган бўлсада, ул зоти шариф ҳамон олам аҳлига ўз асарлари орқали мурожаат этиб, одамийликни бошга тож қилиб кийиш зарурлигини таъкидлайди. Чунки ҳазрат назарида одамийлик юксак маънавий фазилатдир, у йўқолган ерда ҳаётнинг тугаши муқаррар.**

Улуғ бобомизнинг фикрича, одамийликнинг энг муҳим белгиси огоҳликда намоён. Навоий ижодида ушбу тушунчанинг қамрови бағоят кенг: огоҳлик, аввало, ҳаёт шукронаси ва камолот нишонасидир. Шунингдек, давлат қудрати ва жамият равнақи ҳам айнан огоҳлик билан узвий боғлиқ.

Алишер Навоий ўз даврининг фаол кишиси сифатида одамлар ўртасидаги қарама-қаршиликларга барҳам бериш, шу тариқа жамиятда тинчлик-тотувликни қарор топтириш ва мустаҳкамлашдек эзгу ишга катта ҳисса қўшибгина қолмай, бошқаларни ҳам бу борада шижоат кўрсатишга даъват этгани маълум.

*Олам аҳли, билингизким,*
*иш эмас душманлиғ,*
*Ёр ўлунг бир-бирингизгаки,*
*эрур ёрлиғ иш.*

Бутун башариятга қарата айтилган мазкур хитоб бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Зеро, ҳозирги тез ўзгарувчан дунёда йирик давлатлар манфаатларининг ўзаро тўқнашуви натижасида айрим минтақалар этник ва конфессиялараро қарама-қаршиликлар гирдобида қолаётгани, бу эса, ўз навбатида, маҳаллий аҳолини ҳаловат ва фароғатдек буюк неъматлардан маҳрум қилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Қалби уйғоқ, соғлом фикрловчи ҳар бир одам бундай аянчли воқеаларга ҳазрат Навоийнинг юқоридаги даъватини эслаб, муносабат билдириши табиий.

Навоий бобомиз ҳамиша одамлар оғирини енгил қилиб яшаган. Шу боис, буюк мутафаккир шоирнинг асарларида халқ фаровонлигига хизмат қилувчи тараққийпарвар ғоялар яққол акс этади. Шоир ғазалларининг бирида:

*Юз жафо қилса манга,*
*бир қатла фарёд айламон,*
*Элга қилса бир жафо,*
*юз қатла фарёд айларам,*

деган байт учрайди. Жаҳон адабиётида халқпарварликнинг бундан-да ёрқин шеърий ифодаси бормикан?

Президентимиз Ислом Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида таъкидлаганидек, агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир. Инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камдан-кам топилади.



Мустақиллик йилларида мамлакатимизда кўплаб буюк аждодларимиз қаторида Алишер Навоийга бўлган эътибор ва эҳтиром юксак поғонага кўтарилди. Буюк мутафаккир шоир ҳаёти ва серқирра ижодини ўрганиш борасидаги кенг кўламли ишларнинг изчил давом эттирилаётгани шундан далолатдир.

Дунёнинг баъзи минтақаларида маънавий-ахлоқий қадриятлар тобора таназзулга юз тутаётган, “оммавий маданият” хатари кенг тарқалиб бораётган айни пайтда ёшларимизнинг баркамол инсонлар бўлиб вояга етишида Навоий ижодини янада чуқурроқ англаш муҳим аҳамиятга эга.

– Ёшларимиз Навоийни қанчалик чуқур ва пухта билса, маърифат, эзгулик, комиллик сирларини шунчалик кенгроқ эгаллайди, – дейди филология фанлари доктори, профессор Иброҳим Ҳаққулов. – Навоийнинг сўзлари дилига ўрнашган одам, ўзи истасин-истамасин, одамийлик шарафи ва кучқувватини идрок этади. Навоий даъватига қулоқ тутган киши, албатта, халқнинг оғирини енгил қилишга бел боғлайди.

Дарҳақиқат, буюк мутафаккир шоир асарлари замиридаги теран маъноларни англаб, ўз онги ва қалбига сингдираётган ёшларимиз соғлом ҳамда баркамол авлоддир. Чунки Навоий бобомиз ҳар қандай одам комилликка эришиши мумкинлиги ва лозимлигига ишонч билан қараб, бу борада таълим-тарбиянинг аҳамияти катта эканини теран англаган. Айнан шу боис, у ўз давридаги илму фан, касб-ҳунарга интилувчи ёшларни бағоят ардоқлаган. Кўп асрлик эзгу қадриятларимизга содиқ, Навоий каби буюк аждодларимиз меросини ўрганиб, камол топаётган ўғил-қизларимиз ҳам бунёдкорлик сари интилади. Улар бемаънилик ва беҳаёликни санъатнинг тасвир воситасига айлантириб, ҳали ҳаётий тажрибага эга бўлмаган навқирон авлодни маънавий мажруҳ қилишни кўзда тутган “оммавий маданият” қутқуларига асло учмайди.

Улуғ бобомизнинг азалий ва абадий мавзулар қаламга олинган асарлари шаклан жозибадор, мазмунан серқирралиги, энг муҳими, даъваткор руҳ билан йўғрилганлиги учун қадрлидир. Бу асарларда эзгулик, инсонпарварлик, адолатпарварлик, маърифатпарварлик ғоялари ўзининг юксак бадиий-фалсафий талқинини топгани боис, улар жаҳон мумтоз адабиётининг нодир дурдоналари қаторидан жой олган. Биз бундан ҳақли равишда фахрланамиз.

**Сайдодил САЙДИСЛОМОВ**



# СПОРТ

▼ БОКС

## ЁШ БОКСЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

*Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида бокс бўйича ёшлар ўртасида Осиё чемпионати баҳслари бўлиб ўтмоқда. Бу йилги қитъа чемпионатида йигирмага яқин давлатдан 100 нафардан зиёд спортчи ғолиблик учун курашмоқда.*



Мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси тўлиқ таркибда, ўн нафар боксчи билан иштирок этмоқда. Мусобақани нимчорак финал босқичидан бошлаган ҳамюртларимиз, жумладан, 52 кг. вазн тоифасида Абдулҳай Шораҳматов, 60 кг. вазн тоифасида Фазлиддин Мелибоев ва 75 кг. вазн тоифасида Козимбек Мардонов дастлабки жангларда ғалаба қозониб, чорак финалга чиқишди.

Абдулҳай Шораҳматов Хитой Тайпейи вакили По Вей Чиюни очколар ҳисобида мағлуб этган бўлса, Фазлиддин Мелибоев непаллик Саураб Ламани иккинчи раундда нокаутга учратди.

Ўсмирлар ўртасида Осиё чемпиони Козимбек Мардонов ҳам ёшлар ўртасидаги мусобақани муваффақиятли бошлаб, биринчи жангида Хитой Тайпейи терма жамоаси аъзоси Чинг Фенг Лин устидан ғалаба қозонди.

Қитъа чемпионатидаги иштирокини чорак финалдан бошлаган боксчиларимиздан 69 кг. вазн тоифасида Бектемир Меликўзиев ҳамда 81 кг. вазн тоифасида Азизбек Шукуров ҳам дастлабки жангларини муваффақиятли якунлашди. Бектемир Меликўзиев фаластинлик Мотасем Бебухни иккинчи раундда нокаутга учратган бўлса, Азизбек Шукуров Жанубий Корея вакили Ким Донг Жу устидан зафар қучди.

Осиё чемпионатида ҳозирга қадар рингга кўтарилган етти нафар боксчимиздан беш нафари ғалабага эришдилар. Бекзодбек Турсунбоев (49 кг.) ва Иқболжон Холдоров (56 кг.) биринчи жангда имкониятни бой беришди. Маҳмуд Ғоипов (64 кг.), Асилбек Солиев ( 91 кг.) ва Шоҳрухбек Эркинов (91 кг.) энди баҳсларга киришадилар.

Ёшлар ўртасида ўтказилаётган Осиё чемпионати 30 январга қадар давом этади.

▼ САМБО

## ЖАҲОН КУБОГИДАН ИККИТА МЕДАЛЬ

*Олма-Ота шаҳрида самбо бўйича Жаҳон кубогининг биринчи босқич баҳслари бўлиб ўтди.*



Мусобақада дунёнинг 17 мамлакати, жумладан, АҚШ, Россия, Монголия, Қирғизистон, Арманистон, Туркманистон, Беларусь, Тожикистон, Болгария, Озарбайжон, Германия, Украина, Грузия, Ўзбекистон, Молдова, Руминия ва Қозоғистондан 350 га яқин спортчилар иштирок этишди. Мусобақада мамлакатмиз вакилларидан Сарбон Ерназаров спорт самбоси беллашувларида, 2011 йилги жаҳон чемпиони ҳамда 2013 йилги жаҳон чемпионати кумуш медали совриндори Истам Қудратов эса жанговар самбо бўйича беллашувларда иштирок этди. Иккала спортчимиз ҳам ўз вазн тоифаларида бронза медалларни қўлга киритишди.

**Азиз НУРУЛЛАЕВ**

○ Реклама ва эълонлар




Ўзбекистон Республикаси Тошкент ш. Миробод т. ҳокимияти томонидан (реестр № 006416-03, 28.05.2013 й.) рўйхатга олинган Тошкент ш. Миробод т. Нукус кўч. 13-уй 42-хонадонда жойлашган “KO”ZMUNCHOQ BOLALAR” оилавий корхонаси (ИНН 302621554) тугатилади (таъсисчининг 27.01.2014 й.даги қарорига асосан). Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида 232-24-36 тел. рақами орқали қабул қилинади.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (реестр № 006200-01, 12.12.2013 й.) давлат рўйхатидан ўтган “MIRZAOLIM BARAKA SAVDO” МЧЖ (СТИР 302769045) 27.01.2014 й.даги таъсисчининг 1-сонли қарорига асосан тугатилади. Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой мобайнида Тошкент ш. Учтепа т. Оқшом кўч. 51-уйда қабул қилинади. Тел.: 376-72-37.

Тошкент ш. Миробод т. Ҳокимининг 17.06.2013 й.даги 1042-сонли қарорига асосан рўйхатга олинган “NADEJDA-DAKTIL” МЧЖ Тошкент ш. Олмазор т. ҳокимияти ТСРЎИ томонидан (13.01.2011 й., реестр № 05-3174) рўйхатга олинган “DIL-MARMAR” МЧЖни ўз сафига бирлаштириб олишини маълум қилади. “NADEJDA-DAKTIL” МЧЖ “DIL-MARMAR” МЧЖнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

ООО “WATER LIFE GOLD” (ИНН 302650020) зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского р-на г. Ташкента (реестр № 008977-08 от 01.07.2013 г.) расположенное по адресу: г. Ташкент ул. Бунёдкор шох Е-1-1 ликвидируется (решение от 02.01.2014 г.). Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня публикации объявления по тел.: (+99890) 955-67-97.

ЎзРес ССВ томонидан “RUZMETOV MELS GAZIEVICH” хусусий корхонасига берилган 30.01.2010 й.даги 10-0426 сонли лицензия ва 23.02.2010 й.даги ЛБ-0555 рақамли лицензия битими йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИ томонидан (25.07.2008 й, реестр № 002335-01) давлат рўйхатидан ўтган “LINGVO SERVIS” ХКга (СТИР 300148993) тегишли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (09.10.2012 й., реестр № 005391-01) рўйхатдан ўтган “MASTER TEX GARANT” МЧЖга (ИНН 302400244) тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянную круглую печать СВТ “Спасатель” выданную Пскентским РОВД Ташкентской обл. считать недействительным.

“Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати” ДУК томонидан Махкамов Бахтиёр Саатович номига Шайхонтоҳур т. Фаробий кўч. 18-уй манзилидаги хонадонга берилган реестр № 10-70/2011, кадастр № 10100704010025, гувоҳнома ТА 1129497/(11655-49) йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО “PEGAS INTERNATIONAL” (ИНН 302159528) Сергелийского р-на г. Ташкента извещает об уменьшении уставного фонда с 250 000 000 сум до 54 926 189,52 сум.

Якка тартибдаги тадбиркор Рахимов Убайдилажон Обиджоновичга тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО “SEOUL PHARM” (ИНН 207198226) зарегистрированное ИРСП Шайхантахурского р-на г. Ташкента (реестр № 007144-09, 19.11.2013 г.), расположенное по адресу: г. Ташкент ул. С.Дарбоза д. 1 кв. 2 ликвидируется (решение учредителя от 27.01.2014 г.). Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня опубликования по тел.: 397-31-88.

“Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати” ДУК томонидан Хашимов Олимжон Муратович номига Чилонзор т. Бунёдкор кўч. 22 ва 22 “А” уйлар оралиғида жойлашган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси ер майдони учун 17.07.2009 й.да берилган № 10030402010035 сонли ер кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

“SANAZAR-HAYOT” ХК номига Юнусобод т. 12-мавзе А.Дониш кўч. манзилида жойлашган дўкон, бекат мажмуаси биносига 29.10.2012 й. 7-502/2007 реестр рақами билан расмийлаштирилган кадастр ҳужжатларининг бинога тегишли ТА № 0458373, ер участкасига тегишли O'Y 442585 сонли гувоҳномалари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнғиндан сақлаш олий техник мактаби томонидан Мусоев Нажмиддин Насритдинович номига 1999 й.да берилган 300068 рақамли диплом (рўйхат рақами 467) йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ДП “PALLADA INVESTMENT” (ИНН 300841339) уведомляет всех своих кредиторов об уменьшении своего уставного фонда. Новый размер уставного фонда ДП “PALLADA INVESTMENT” составляет 2 650 000 долларов США. Все обращения принимаются по адресу: г. Ташкент ул. Широк, 100.

Тошкент ш. Чилонзор т. ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган “SHOHIYAXON-SERVIS” ХК таъсисчисининг қарорига асосан устав жамғармаси 490 000 сўмдан 100 000 сўмга камайтирилади.

ООО “CRONOS INVESTMENT GROUP” (ИНН 301626359) зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията М.Улугбекского р-на г. Ташкента расположенное по адресу: пр. Мустақиллик д. 65 ликвидируется (протокол собрания № 1 от 25.01.2014 г.). Претензии принимаются в течение 2-х месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 185-81-81.

ООО “GOLDEN TREE” (ИНН 207135343) зарегистрированное ИРСП хокимията Чиланзарского р-на г. Ташкента (№ 007466-08, 11.11.2011 г.) в соответствии с протоколом общего собрания учредителей № 1 от 28.01.2014 г. ликвидируется. Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня опубликования объявления по адресу: г. Ташкент Чиланзарский р-н ул. Чўпон-ота д. 2 В-1.




ООО “ALIMO REAL TRANS” (ИНН 207179218) зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Мирабадского р-на г. Ташкента (реестр № 006318-03 от 05.04.2013 г.) расположенное по адресу: г. Ташкент ул. А.Темура шох № 45 кв. 3, ликвидируется (решение от 23.01.2014 г.). Претензии принимаются в течение одного месяца со дня публикации объявления.

“Агробанк” очиқ акциядорлик тижорат банкининг Қашқадарё вилояти бошқармаси жамоаси банкнинг Касби тумани филиали бошқарувчисининг биринчи ўринбосари Исмоил Юнусовга укаси **Нажмиддин ЮНУСОВ**нинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Улуғбек УЗОҚОВ, Содиқжон ТУРДИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

9 772010 702007

ТЕЛЕФОНЛАР:
**Қабулхона** — 236-26-50, **Котибият** — 233-95-17, **Аграр масалалари бўлими** — 233-76-78, **Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими** — 236-26-49, **Маънавият ва маърифат бўлими** — 236-26-35, **Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими** — 233-44-43, **Факс** — 233-44-43, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
**Қорақалпоғистон Республикаси** – (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: **Андижон** – (+99893) 630-73-03; **Бухоро** – (+99891) 401-29-59; **Жиззах** – (+99890) 297-44-09; **Навоий** – (+99891) 537-14-36; **Наманган** – (+99890) 278-95-87; **Фарғона** – (+99890) 407-76-03; **Самарқанд** – (+99891) 537-24-95; **Сирдарё** – (+99894) 168-23-60; **Сурхондарё** – (+99890) 519-86-50; **Тошкент** – (+99890) 976-39-58; **Хоразм** – (+99890) 438-71-25; **Қашқадарё** – (+99891) 635-08-03.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 236-26-50, 233-28-04.

Навбатчи муҳаррир: А.НУРУЛЛАЕВ
Мусаҳҳиҳ: О.ОЧИЛОВ
Дизайнер: Ф.ТОИРОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-122, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 22.00
26917 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

E-mail: info@qishloqhayoti.uz

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5